



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “26” mart

Қ-229 -son

Termiz sh.

**Шеробод тумани “Кўхитанг” массиви худудидан “OLMALIQ КМК” АЖГа қарашли “SHEROBOD SEMENT ZAVODI”га ер ости кудуғи бурғулаш ва ушбу кудукқа мўлжалланган электр линияси ҳамда сув қузури боғланмалар коридори учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 23 февралдаги 03-02/128-сон йиғилиш баёни, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармасининг 2021 йил 2 февралдаги 14-сон хулосаси, Шеробод тумани ҳокимининг 2021 йил 21 январдаги 01-03/19-сон хатини инобатга олиб,

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н :**

1. Шеробод тумани “Кўхитанг” массиви худудидан “OLMALIQ КМК” АЖГа қарашли “SHEROBOD SEMENT ZAVODI”га туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 1457ақ-дала контуридан ер ости кудуғи бурғулаш учун 0,4 гектар ва ушбу кудукқа мўлжалланган электр линияси ҳамда сув қузури боғланмалар коридори учун 2,5 гектар жами 2,9 гектар яйлов ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. “OLMALIQ КМК” АЖГа қарашли “SHEROBOD SEMENT ZAVODI” 2,9 гектар яйлов ер майдони ер ости кудуғи бурғулаш ва ушбу кудукқа мўлжалланган электр линияси ҳамда сув қузури боғланмалар коридори учун ажратилаётганлиги муносабати билан қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 37 724 940 (ўттиз етти миллион етти юз йигирма тўрт минг тўққиз юз қирқ) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий

назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб бorsин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ([surxondaryo.uz](http://surxondaryo.uz)) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Суванкулов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими**



**Т.Боболов**